
49-мактабнинг истеъдодли ўқувчилари “Турон” мактаб театри танловининг вилоят босқичи ғолиблигини қўлга киритди

Мактабгача ва мактаб таълими ҳамда маданият вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган "Турон" мактаб театри Республика танловининг туман (шаҳар) босқичи ҳудудларда ташкил этилган эди.

Кеча Фарғона шаҳридаги Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номидаги мусиқали драма ва комедия театрида мазкур танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Унда вилоятдаги 19 та шаҳар ва туманларда ғолиб бўлган мактаб жамоалари беллашдилар. Жараёнлар таниқли санъаткорлар ва соҳа мутахассислари томонидан адолатли баҳоланиб борилди.

Яқуний натижаларга кўра юксак иқтидор ва истеъдодини намоён этган Ўзбекистон туманидаги 49-мактаб ўқувчилар жамоаси энг юқори баллни тўплаб, 1-ўринни эгалладилар.

2-ўрин Бағдод туманидаги 27-мактаб, 3-ўрин эса Олтиариқ туманидаги 20-ИДУМ мактаб ўқувчилар жамоасига насиб этди.

Ғолиб ва совриндорларга махсус диплом, статуэтка ва танловнинг қимматбаҳо совғалари топширилди.





2024-04-27 09:29:54